



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тадбиркорликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejapov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

ИНКЛЮЗИВ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

СУЩНОСТЬ ИНКЛЮЗИВНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

THE ESSENCE OF INCLUSIVE ENTREPRENEURSHIP AND FOREIGN EXPERIENCE

Абдуллаева Р. Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти

Аннотация

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида барқарор ривожланишга эришиш учун инклюзив тадбиркорлик муҳим ўрин тутди. Инклюзив тадбиркорлик жамиятнинг барча қатламлари, жумладан ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган аҳоли гуруҳларининг тадбиркорлик фаолиятида тенг иштирок этишини таъминлашга қаратилган ёндашувдир. Инклюзив тадбиркорликни қўллаш иқтисодий ўсишни тезлаштириш билан бирга ижтимоий тенгликни ҳам мустаҳкамлайди.

Калит сўзлар: Инклюзив тадбиркорлик, барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат, иқтисодий ўсиш, тенг имкониятлар, заиф аҳоли гуруҳлари, инклюзив иқтисодий ривожланиш.

В современных условиях мировой экономики инклюзивное предпринимательство играет важную роль в достижении устойчивого развития. Инклюзивное предпринимательство представляет собой подход, направленный на обеспечение равного участия всех слоёв общества в предпринимательской деятельности, включая молодёжь, женщин, лиц с инвалидностью и малообеспеченные группы населения. Применение инклюзивного предпринимательства, наряду с ускорением экономического роста, способствует также укреплению социальной справедливости и равенства.

Ключевые слова: Инклюзивное предпринимательство, устойчивое развитие, социальная справедливость, экономический рост, равный доступ, уязвимые группы, инклюзивное экономическое развитие.

In the contemporary global economy, inclusive entrepreneurship constitutes a significant mechanism for achieving sustainable development. Inclusive entrepreneurship is defined as an approach aimed at ensuring equitable access to and participation in entrepreneurial activities for all segments of society, including youth, women, persons with disabilities, and socioeconomically disadvantaged population groups. The promotion and implementation of inclusive entrepreneurship not only contribute to accelerating economic growth but also play a vital role in strengthening social equity and inclusiveness.

Keywords: Inclusive entrepreneurship, sustainable development, social equity, conomic growth, equal access, vulnerable groups, inclusive economic development.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби (Кун тартиби-2030) глобал ривожланишнинг стратегик йўналишларини белгилаб берувчи муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда ифодаланган асосий қоидалар Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадида ўз аксини топган бўлиб, уларни амалга ошириш қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш, аҳолининг бутун ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, инсон фаолиятининг иқлим тизимида салбий таъсирини чеклаш ҳамда истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона ва барқарор моделларига ўтишни таъминлашга қаратилган. [1] Мазкур мақсадлар иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва экологик барқарорлик ўртасидаги

мувозанатни таъминлаш орқали жаҳон ҳамжамиятининг узоқ муддатли барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Барқарор ривожланишга ўтиш муаммосини ҳал этишга қаратилган таклиф этилаётган чора-тадбирлар тизимида кенг тан олинган инклюзив иқтисодий ўсиш концепцияси муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур концепциянинг фундаментал қоидалари Ўсиш ва ривожланиш комиссияси томонидан тайёрланган «Барқарор иқтисодий ўсиш ва инклюзив ривожланиш стратегиялари» номли ҳисоботда ўз ифодасини топган.

Жаҳон банки ва БМТ ҳисоботларига кўра, инклюзив тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсиш стратегиясида муҳим элемент ҳисобланади. Ушбу боғлиқлик қуйидагилар орқали намоён бўлади:

➤ Инклюзив тадбиркорлик иқтисодий ўсишнинг кенг қамровли ва мукамал ривожланишига хизмат қилади: яъни у нафақат юқори даромадларни, балки ижтимоий фаровонликни ҳам таъминлайди.

➤ Инклюзив тадбиркорлик иқтисодий ўсишнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлайди, чунки у аҳоли учун кенг имкониятлар яратади ва иқтисодий адолатни таъминлайди. [2]

Хўш, инклюзив тадбиркорлик нима?

Инклюзив (инглизча inclusive) — қамраб олувчи, четлатмасдан барчани ўз ичига олувчи деган маънони англатади. Оддий қилиб айтганда, инклюзив – бу “Ҳеч ким четда қолмасин” деган ёндашувни англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак: Инклюзив тадбиркорлик — иқтисодий фаолиятнинг шундай шаклики, унда жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳам бизнес жараёнларида тенг иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Илмий адабиётларда инклюзив тадбиркорлик қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- 1) иқтисодий ва ижтимоий мақсадларни уйғунлаштиради;
- 2) барча учун тенг имкониятлар яратади;
- 3) барқарор ривожланишга йўналтиради;
- 4) бозор имкониятларини кенгайтиради;
- 5) рақобатни кучайтиради;
- 6) инновацион ғоялар пайдо бўлишига туртки беради.

Инклюзив тадбиркорлик фақат фойда олишга қаратилган фаолият эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, иш ўринлари яратиш ва аҳолининг турли қатламларини иқтисодий фаолликка жалб этишни ҳам ўз ичига олади.

Инклюзив тадбиркорликни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Аёлларни иқтисодий фаолиятга жалб қилиш учун махсус дастурлар қабул қилиш, махсус грантлар эълон қилиш, микроқарзлар бериш ва уларни бизнесга жалб қилиш;
2. Имконияти чекланган шахслар учун махсус иш ўринлари, ишга жойлашиш ва бизнес бошлаш имкониятларини яратиш ва уларга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш;
3. Ёшларга таълим ва амалий кўникмалар бериш, стартаплар учун муҳит яратиш, технологик инновациялар ва рақамли бизнес имкониятларини кенгайтириш;
4. Интернет ва мобил технологиялар орқали бизнесни кенгайтириш, кам таъминланган гуруҳларни рақамли иқтисодиётга интеграция қилиш, қишлоқ жойлардаги кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини ривожлантириш.

Инклюзив тадбиркорликни ривожлантиришга хориж мамлакатларида ҳам катта эътибор берилмоқда, масалан Германияда auticon - нейродиверс хизматлар компанияси мавжуд бўлиб, асосий мақсади аутИСТІС спектридаги шахсларни иш билан таъминлаш ва уларнинг қобилиятларидан фойдаланишдан иборат. Бу компания ІТ соҳасидаги лойиҳаларни бажаради ва шунчаки иш жойи эмас, балки инклюзив муҳит яратади.

Бундан ташқари Германияда Ижтимоий кодекс (Sozialgesetzbuch, SGB) қабул қилинган бўлиб, унда SGB II — ишсизлар ва ижтимоий ёрдам олувчилар, SGB IX — ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат ва иқтисодий ҳаётга интеграция қилиш каби боблари мавжуд. [3] Ушбу Кодексга асосан:

- 1) бизнес бошлаш учун субсидиялар;

2) реабилитация ва қайта тайёрлаш;

3) ўзини-ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш амалга оширилади.

Шунингдек, “EmpowerInnovate: Inclusive Entrepreneurship for All” Европа / Германия лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа ёшларни, кам таъминланганлар, мигрантлар ва ижтимоий жиҳатдан четда қолганларни тадбиркорликка йўналтиради, уларга бизнес кўникмаларини ўргатади. Бу лойиҳа Европа ҳамжамиятида тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Жанубий Кореяда инклюзив тадбиркорлик ривожланган ва у давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланади. Korea Employment Agency for Persons with Disabilities - Ногиронлиги бўлган шахслар учун тадбиркорлик агентлиги бўлиб, у бизнес очиш учун субсидиялар, махсус ускуналар, маслаҳат хизматини тақдим этади.

Ёшлар ва стартаплар учун имкониятлар яратиш мақсадида Youth Startup Programs дастури қабул қилинган бўлиб, унинг доирасида Campus CEO, Startup Korea, TIPS Program (Tech Incubator Program for Startups) дастурлари амал қилади. Бу дастурлар имконияти чекланган ёшларни, провинциялардаги аҳолини, биринчи марта бизнес бошлаётганларни тадбиркорликка жалб қилади ва қўллаб-қувватлайди. [4]

Японияда ҳам инклюзив тадбиркорлик ривожланган, лекин у Японияга хос модел асосида, яъни давлат – корпорация – жамият ҳамкорлиги орқали амалга оширилади.

Японияда инклюзив тадбиркорлик кексалар (silver entrepreneurship), аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, қишлоқ аҳолиси учун махсус дастурлар орқали ривожлантирилган. Инклюзив тадбиркорликни МЕТІ (Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги), SME Agency of Japan, Japan Finance Corporation (JFC) томонидан қўллаб қувватланади. Бу институтлар инклюзив бизнесга имтиёзли кредитлар, кичик бизнес учун кафолатларни таъминлайди, стартаплар ва микробизнесни ривожлантиришга кўмак беради.

Япония — аҳолиси энг тез қарийган давлатлардан бири бўлиб, кексалар тадбиркорлиги ҳам мавжуд. Silver Human Resources Centers (SHRCs) – Япониядаги кексалар учун меҳнат марказлари ҳисобланади. Бу марказ нафақадаги фуқароларни кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, консалтинг хизмати орқали иқтисодий фаолиятга жалб қилади. Тадбиркорликка жалб қилинган қариялар даромадга, фаол ва маънавий бой ҳаёт кечириш имкониятига эга бўладилар. [5] Бу инклюзив тадбиркорликнинг уникал модели ҳисобланади.

Японияда аёллар тадбиркорлигига инклюзив ўсишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Аёллар тадбиркорлиги “Womonomics” сиёсати аёлларни бизнесга жалб қилиш, айниқса, ёш болали аёллар учун мос бизнес моделлар таклиф қилишга катта эътибор қаратади.

Шунингдек, Act on Employment Promotion of Persons with Disabilities - бу Япониядаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашни рағбатлантириш тўғрисидаги қонун” 1993 йилда қабул қилинган ва кейинчалик қайта кўриб чиқилган, ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни иқтисодий ҳаётга интеграция қилишни мақсад қилган. Бу қонун орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга киришини осонлаштириш ва уларнинг меҳнат бозорида тенг имкониятга эга бўлиши таъминланади.

“Regional Revitalization Strategy” – бу Японияда маҳаллий ҳудудларни ривожлантириш ва уларни фаол иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга қайтаришга қаратилган стратегия ҳисобланади. Япониянинг айрим ҳудудлари аҳолининг қисқариши ва қариши, иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан тўкнашади. Бу стратегия ҳудудларни қайта жонлантириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган. Асосий мақсад ҳудудларда маҳаллий саноат ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ёшларни ҳудудда қолишга рағбатлантириш, туризм, маданий мерос ва экологик ресурсларни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашдан иборат.

Инклюзив тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна бир зарурати шундан иборатки, сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятида камбағалликка қарши курашиш масаласи тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларининг (SDG) энг асосий йўналишларидан бири айнан камбағалликка барҳам беришдир. Хусусан, биринчи мақсад 2030 йилга бориб дунё бўйича камбағалликнинг барча

кўринишларини бартараф этишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришишда камбағалликка олиб келувчи асосий сабабларни аниқлаш, уларнинг таъсирини баҳолаш ва ҳар бир мамлакатнинг хусусиятларига мос равишда чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада ҳам камбағалликни камайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилган ва уларнинг амалга оширилиши доирасида сезиларли ижтимоий ва иқтисодий натижаларга эришилмоқда. Ушбу ташаббуслар аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан заиф қатламлар учун имкониятларни кенгайтиришда давлатнинг тизимли сиёсати ва далилларга асосланган чора-тадбирларнинг аҳамиятини яққол намоён этмоқда.

2020 йилдан бошлаб камбағалликка қарши кураш мамлакат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар 2016 йилдан бошлаб амалга оширила бошлаганида 7,5 миллион аҳоли, яъни 23% аҳоли даромади камбағаллик чегарасидан паст эди. Самарали сиёсат ва дастурлар орқали амалга оширилган чоралар натижасида, камбағаллик даражаси 2022 йил бошига келиб 17% га, 2024 йилда эса 11% га тушди. Мазкур тенденцияни инобатга олган ҳолда, 2030 йилга қадар камбағаллик кўрсаткичини янада сезиларли даражада қисқартириш режалаштирилган. Бу мақсадга эришишда тадбиркорликка инклюзив ёндашиш фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, инклюзив тадбиркорликни ривожлантириш орқали кам таъминланган оилалар, ёшлар, аёллар, имконияти чекланганлар ва бошқа камситилган гуруҳлар ҳам иқтисодий жараёнларга фаол қатнашиши кафолатланади, муайян бир ишни бошлашда ва молияга эга бўлишда тенг имкониятлар таъминланади, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик ва камситилишни камайтиришга эришилади, ҳар бир инсоннинг потенциали ва қобилиятлари ривожлантирилади, қашшоқлик ва ижтимоий беқарорлик камаяди бундан ташқари инклюзив тадбиркорлик иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликни биргаликда таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Bank. (2020). Inclusive growth and entrepreneurship development. World Bank Group.
2. United Nations Development Programme (UNDP). (2018). Inclusive entrepreneurship for sustainable development. UNDP.
3. Federal Ministry for Economic Affairs and Climate Action (BMWK). (2021). Entrepreneurship and SME policy in Germany. BMWK.
4. Ministry of SMEs and Startups (MSS). (2020). Startup Korea policy framework. Government of the Republic of Korea.
5. Korea SMEs and Startups Agency (KOSME). (2021). Inclusive startup support programs. KOSME.
6. Ministry of Economy, Trade and Industry (METI). (2021). White paper on small and medium enterprises in Japan. METI.
7. Japan Finance Corporation (JFC). (2020). SME financing and inclusive entrepreneurship. JFC.